

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 961-ҳадис**

961 – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ أُمِّي افْتُلِتَتْ
نَفْسُهَا، وَأَرَاهَا لَوْ تَكَلَّمْتُ تَصَدَّقْتُ، فَهَلْ لَهَا أَجْرٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ عَنْهَا؟ قَالَ: «نَعَمْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ
1388 م 1004].

961. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Онам тўсатдан вафот этиб қолди. Агар (ўлишидан олдин) гапира олганида, садақа қилар эди. Энди мен унинг номидан садақа қилсам, онамга савоби борадими?» деганида у зот: «Ҳа», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Демак, инсон ўлиб кетганидан кейин орқасидан садақа қилинса унга савоби тегади. Бу ҳадисда шу маъно очиқ-ойдин лафз билан келмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



